

“ Тасдиқлайман ”  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси аппарати Хўжалик  
фаолияти бошқармаси  
Хукумат уйидан фойдаланиш  
бошқармаси бошлиғи

 Азамов А.З.

## БАЁННОМА

“28” Ноябрь 2022 й.

Тошкент ш.

Қатнашдилар:	Хайъат раиси:	Азамов А.	Бошқарма бошлиғи
Аъзолари:		Бойжигитов И.	Бош ҳисобчи
		Мамасолаев Д.	Давлат харидлари бўйича бош мутахассис
		Шарипова С.	Хўжалик бўлимни мудири в.б.
		Салихов С.	Омбор мудири
		Тожибоев С.	Алоқа воситаларидан фойдаланиш бўлимни мудири
		Вохобов Н.	Бўлим мудири в.б.
		Абдуллаев Ш.	Моддий таъминот бўлимни мудири
		Умарова М.	1-тоифали мутахассис
		Талипжанов И	Нусҳа кўчириш ва кўпайтириш бўлимни мудири

### Кун тартиби

Таъминотчи: “Mag-Meyor” Ширкати таклифини ўрганиб чиқиш.  
“Alfa Complex Engineering” таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида масала юзасидан хайъат аъзоси Д. Мамасолаев ахборот берди::

У ўз сўзида йиғилиш қатнашчиларига Давлат бюджетидан ажратилган маблағларга xarid.uzex.uz электрон платформасининг “Энг яхши таклифни танлаб олиш” бўлимида №191328-сонли лот рақами билан жойлаштирилган эълон бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносидаги мавжуд электр жихозлар ва электр кабелларни кучланиши ҳамда оқим параметрларини ўлчовчи ташкилотни аниқлаш учун “Mag-Meyor” Ширкати (инн:200 630 152) ва “Alfa Complex Engineering” (инн:306 794 930)дан таклифлар тушганлигини тўғрисида xarid.uzex.uz сайтининг “Амалга оширилган лотлар” платформаси томонидан электрон баённома тақдим этилди.

Мазкур баённома 2022 йил 25 ноябридан 2022 йил 28 ноябригача яъни 2 иш қуни давомида [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайти иштирокчилари эътиборида турди ва хеч қандай эътиrozлар бўлмади.

Комиссия томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида афилланганлик аниқланмади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносидаги мавжуд электр жихозлар ва электр кабелларни кучланиши ҳамда оқим параметрларини ўлчовчи ташкилотни аниқлаш учун “Баллик баҳолаш тизими” бўйича берилган эълонда талаб қилинган шартлар юзасидан энг юқори балл тўплаган “**Mag-Meyor**” Ширкати ғолиб деб топилди ва ушбу ташкилот билан жами **99 000 000,0** сўмлик шартнома тузишга қарор қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган холда хайъат::

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

Танлов ғолиби бўлган, “**Mag-Meyor**” Ширкати билан **99 000 000,0** сўмлик шартнома тузилсин.

Аъзолари: И.Бойжигитов

Бош ҳисобчи

Д.Мамасолаев

Давлат харидлари бўйича бош мутахассис

С.Шарипова

Хўжалик бўлими мудири в.б.

С.Салихов

Омбор мудири

С.Тожибоев

Алоқа воситаларидан фойдаланиш бўлими мудири

Н.Вахобов

Бўлим мудири в.б.

Ш.Абдуллаев

Моддий таъминот бўлими мудири

М.Умарова

1-тоифали мутахассис

И.Талипжанов

Нусха кўчириш ва кўпайтириш бўлими мудири

*dd*

- сонли шартнома

Тошкент шахри

2022 йил “28” Ноябрь

“MAG-MEYOR” ширкати номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар Ахмедов С.Г. бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Хукумат уйидан фойдаланиши бошқармаси номидан низом асосида иш юритувчи Раҳбар  
С.Г. Азимов, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ “Вазирлар Махкамаси биносидаги мавжуд электр жихозлар ва электр кабелларни кучланиши ҳамда оқим параметрларини ўлчаш” етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу товар ва хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириқка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
  - агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 99 000 0000 (тўқсон тўққиз миллион) сўм, КҶС сиз.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзgartиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топширикка киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул қиласанда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганилиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзgartиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини хисобга олган ҳолда қайта хисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу хисобланган суммага қўшимча равишида мижозга нотўғри хисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пена тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пена тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган заар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиласидиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, терористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичиде хабардор қилиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгib бўлмас куч таъсирида заар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш хукуқидан маҳрум қиласи.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласидиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ён) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг њеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган заарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро хужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш

(хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўтасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қисла, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдик ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халкаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчилкларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни кўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўтасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласи.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

### БАЖАРУВЧИ

Тошкент ш., Яккасарой тум.  
Ш.Руставели кўчаси, 91 уй.  
р/сч. 2020 8000 1001 1789 4001  
в ОПЕРУ «УзПСБ» г.Ташкента  
МФО 00440  
ИНН 200 630 152  
ОКЭД 43 990  
тел.: +998712553896  
magmeyor@mail.ru

### БУЮРТМАЧИ:

УПРАВЛЕНИЕ ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ  
ДОМА ПРАВИТЕЛЬСТВА  
г.Ташкент Мустакиллик-5  
Р/с 2340 2000 3001 0000 1010  
л/с 100010860262667011209080001  
Спец. счет. 40011086026266701120908003

РКЦ Гл гор управление ЦБ г.Ташкента ХККМ МФО 00014  
ИНН 207 251 754 ОКЭД 81100

Бажарувчи:



Буюртмачи:



2022 йил 28 11 даги

дд -сонли  
шартномага

1-илова

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (хизмат)лар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (сўм)	Сумма (сўм)
1	"Вазирлар Махкамаси биносидаги мавжуд электр жиҳозлар ва электр кабелларни кучланиши хамда оқим параметрларини ўлчаш"			99 000 000	99 000 000
	Жами:			99 000 000	99 000 000

#### БАЖАРУВЧИ

Тошкент ш., Яккасарой тум.  
Ш.Руставели кўчаси, 91 уй.  
р/сч. 2020 8000 1001 1789 4001  
в ОПЕРУ «УзПСБ» г.Ташкента  
МФО 00440  
ИНН 200 630 152  
ОКЭД 43 990  
тел.: +998712553896  
magmeyor@mail.ru

Бажарувчи:

  


#### БУЮРТМАЧИ:

УПРАВЛЕНИЕ ПО ЭКСПЛУАТАЦИИ  
ДОМА ПРАВИТЕЛЬСТВА  
г.Ташкент Мустакиллик-5  
Р/с 2340 2000 3001 0000 1010  
л/с 100010860262667011209080001  
Спец. счет. 40011086026266701120908003

РКЦ Гл гор управление ЦБ г.Ташкента ХКМ МФО 00014  
ИНН 207 251 754 ОКЭД 81100

Буюргичи:

  


СОГЛАСОВАНО  
Смету в сумме 99 000 000 сум  
Хукумат уйидан фойдаланиш бошкармаси  
Заказчик \_\_\_\_\_  
«\_\_\_\_\_» 2022г.

**УТВЕРЖДАЮ**

Смету в сумме 99 000 000 сум  
кооператив "MAG-MEYOR"  
Подрядчик Председатель Ахмедов С.Г./  
«28» Ноябрь 2022г.

## **Сводная смета № 1ч**

“Вазирлар Махсусаси биносидаги мавжуд электр жихозлар ва электр кабелларни кучланиши хамда оқим параметрларини ўтлаш”

## Хукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси

(наименование предприятия)

среднемесячная з/п - 2 912 604,78 сум  
 в том числе за 1 час - 17 336,93 сум

№ разд.	Наименование разделов, объектов работ и затрат	Этапы выполнения работ					Договорная цена в текущих ценах	
		I	II	III	IV	V	чел/час	(сум)
Локальная смета № 1	Электрооборудование здания Кабинета Министров РУз.							
1	Электрооборудование	9 900 000	39 600 000	29 700 000	14 850 000	14 850 000	3 623	99 000 000
	Итого:						3 623	99 000 000

Сметная стоимость (сум) 3 623 99 000 000  
Итого объем по смете 99 000 000  
Итого по смете (сум) 99 000 000  
**Всего по смете** 99 000 000

### Примечания:

1. В договорной цене учтены затраты, связанные с увеличением стоимости ПНР, согласно указов Президента Республики Узбекистан, постановлений Кабинета Министров РУ N 261 от 11.06.03 г., N 395 от 12.09.03, Методических рекомендаций Госархитектства.
  2. Расчеты за выполненные ПНР осуществляются по фактически произведенным затратам с учетом выхода последующих законодательных и нормативных актов, регулирующих ценообразовательные факторы

Проверил / /

Составил  /Рисмухамедов К.А./

**Локальная смета №1 Электрооборудование**

**Хукумат уйидан фойдаланиш бошқармаси**

(наименование предприятия)

Обоснование: сборник N 1 2006 г.

№ п/п	Наименование работ	№№ позиций	Ед измер.	Кол-во	Коэф	Затраты труда		Сметная стоимость	
						на ед чел/час	Всего чел/час	з/п на единицу	Всего
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
<b>Раздел 1-1. Электрооборудование</b>									
1	Трансформатор выносной напряжением, кВ, до: 1	01-02-017-01	шт	3	1	1,5	4,5		
2	Выкл.1-полюсн. с эл.маг.тепл.или комбин.расц. 1кВ, 0,5 - без проверки расц.	01-03-001-01	шт.	1625	0,5	1,5	1218,75		
3	Выкл.3-полюсн.с эл.маг.тепл.или комб.расц.до 50 А, 0,5-без проверки расц.	01-03-002-04	шт.	329	0,5	2	329		
4	Выключатель трехполюсный с электромагнитным, тепловым или комб. расцеп., номинальный ток, А, до 200, 0,5-без проверки расц.	01-03-002-05	шт	112	0,5	3	168		
5	Выключатель трехполюсный с полупроводниковым и электромагнитным расцепителем макс тока, номинальный ток, А до 250, 0,5-без проверки расц.	01-03-002-13	шт	82	0,5	16	656		
6	Выключатель трехполюсный с электромагнитным, тепловым или комб. расц., номинальный ток, А, до 600, 0,5-без проверки расц.	01-03-002-06	шт	48	0,5	4	96		
7	Устройство АВР со схемой восстановления напряжения	01-05-015-01	устройство	6	1	29	174		
8	Функциональная группа с общим числом внешних блокировочных связей до 3	01-09-010-01	шт	38	1	5	190		
9	Измерение сопротивлени растеканию тока: контура с диагональю до 20м	01-11-010-02	измерение	4	1	2	8		
10	Проверка наличия цепи между заземлителями и заземляемыми элементами	01-11-011-01	100 точ.	3	1	16	48		
11	Измерение полного сопротивления петли "фаза-ноль"	01-11-013-01	т.пр.	215	1	1,5	322,5		
12	Измер.переходного сопр.постоянному току контактов, измер. тепловизором	01-11-021-01	измер.	200	1	1	200		
13	Фазировка эл. линии или трансформаторов с сетью напряжением, кВ до 1	01-11-024-01	фазировка	41	1	1	41		
14	Измерение сопротивления изоляции кабельных линий напряжением до 1 кВ	01-11-028-01	измер.	110	1	0,4	44		
15	Измерение сопротивления изоляции кабельных линий напряж.до 1 кВ, 0,7-2хпроводная линия	01-11-028-01	измер.	269	0,7	0,4	75,32		
16	Испытание цепи вторичной коммутации	01-12-029-01	исп.	24	1	2	48		
<b>Итого по разделу 1-1</b>							<b>3623,07</b>		
С учетом з/пл. 1 часа									
K=1,2 - за работу под напряжением без оформления допуска									
K=1,12 - с учетом отчислений 12,0 % на социальную страховование									
K=1,1727 - с учетом 17,27 % прочих затрат									
<b>Всего по разделу 1-1:</b>									
<b>Итого по локальной смете №1</b>						<b>99 000 000</b>			

Проверил \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_

Составил \_\_\_\_\_ / Рисмухamedов К.А./



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
TOSHKENT SHAHAR HOKIMLIGI  
KORXONALARNI RO'YXATGA OLİSH  
BOSHQARMASI

## FİRMALI NOM TO'G'RISIDAGI **GUVOHNOMA**

Ro'yhat raqami 11-013130

FN № 015434

1999 yil "13" iyul

Ariza beruvchi: **"MAG-NORMA"**  
Kooperativ  
Firmali nomi: **"MAG-MEYOR"**

Kooperativ tashkiliy-huquqiy shaklida  
Jamoa mulkchiligi asosida belgilandi va  
Yakkasaroy tumanida davlat ro'yxatidan o'tishi uchun berildi

izob

Qayta ro'yxatdan o'tilishi uchun berildi  
Otil oy maddat ichida ro'yxatdan o'tilishi kerak

Boshqarma boshlig'i

Guvohnomalani qabulqazishish qonun tomonidan taqib qilinadi



НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА АККРЕДИТАЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

СЫРДАРЫНСКОЕ УПРАВЛЕНИЕ СТАНДАРТИЗАЦИИ  
И МЕТРОЛОГИИ

(СЫРДАРЫНСКАЯ ОБЛАСТЬ, ГОРОД ГУЛІСТАН,  
УЛИЦА САЙХУН, 39)

## СВИДЕТЕЛЬСТВО ОБ АТТЕСТАЦИИ ЛАБОРАТОРИИ № 72



от «22» февраля 2019 года

Действительно до «22» февраля 2024 года

Настоящее свидетельство удостоверяет, что электротехническая лаборатория (ЭТЛ 0,4/6/10/35 кВ) расположенная в городе Ташкент, Яккасарабайский район, улица Ш.Руставели, дом 45, КООПЕРАТИВА «MAG-MEYOR» оценена на наличие необходимых условий и соответствует требованиям для выполнения испытаний, измерений, проведения пуско-наладочных, строительно-электромонтажных работ, проведение профилактических работ, а также установки приборов учета электроэнергии с внедрением системы АИСКУЭ.

Область аттестации дана в приложении к настоящему свидетельству



Народный комиссар  
Сырдарьинского УСМ

Муратбек



«MAG-MEYOR»

Муратбек Н.Н.  
Бердиев